



Жанубий

ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 15 февраль, шанба, №18 (3519).

»» Президент

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ “ИШЧИ КАСБЛАРИ ШАҲРИ” ФЕСТИВАЛИДА



ИШЧИ
КАСБЛАРИ
ЙИЛИ



Президент Қасим-Жумарт Тұқаев Астанадағы ЕХРО кўрғазма майдончасида ўтган бўлажак мутахассислар, иш берувчилар ва касб-хунар-техник ташкилотларни бирлаштирган “Ишчи касблари шаҳри” фестивалига ташриф буюрди.

Бу Давлат раҳбарининг ташаббуси билан эълон қилинган “Ишчи касблари йили”нинг илк кенг қўламли тадбиридир.

Фестиваль ҚР Маориф ва зирлиги томонидан ташкил этилиб, турли соҳа вакиллари, миллий компаниялар ва йирик корхоналар шафелигида ўтказилди. Тадбир иштирокчилари шаҳарчадаги 40та интерфаол кўрғазмада 200дан зиёд касб ва иқтисодиёт тармоқлари хусусиятлари билан танишишди. Фестиваль доирасида бир неча кун давомида турли семинар-

лар, маҳорат сабоқлари, инновацион сессиялар, меҳнат ярмаркалари ташкил этилди. Тадбирга 15 мингдан зиёд одам ташриф буюрди.

Қасим-Жумарт Тўқаев энергетика, кончилик, металлургия, нефть-газ, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда мутахассислар тайёрлаш жараёни билан танишди. Шунингдек, Президентга касб-хунар таъ-

лими муассасаларини меҳнат бозоридидаги талаб ва ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларига кўра ўзгартиришга оид мисоллар келтирилди.

Президент атом электр станцияси каби йирик лойиҳаларни амалга ошириш арасида юқори малакали, касбий маҳоратга эга мутахассислар зарурлигини таъкидлади.

Давлат раҳбари тадбир иштирокчилари – турли минтақалардан ташриф буюрган ёшлар билан учрашди. Президент ёшларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, етук инсонлар бўлиб улғайиши йўлида замонавий, илғор-инновацион шарт-шароитларни яратиб бериш учун мамлакатимиз бор куч ва имкониятларини ишга солаётганини таъкидлади.

– Ёш авлодни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидоий этиб тарбиялаш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қанча кучайтирилса, унинг самараси ҳам шунча юқори бўлади. Шу боис мамлакатимиз жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этилувчи ёшларга юрт рағбатини таъминловчи асосий куч сифатида қарамоқчи. Натижада бугун юксак билимли, замонавий фикрловчи, қатъий нуқтаи-назарга эга ёшлар мамлакат тараққиётида ҳал қилувчи кучга айланади, – деди Давлат раҳбари.

Akorda.kz
маълумотлари
асосида.

Туркистон шаҳрига алоҳида мақом берилади



Тегишли қонун лойиҳаси Сенат томонидан маъқулланди. Эндиликда лойиҳа кодекси, шаҳарсозлик меъёрларини тасдиқлаш, ҳудудий рамزلардан фойдаланиш тартиби ўзгаради.

Туркистоннинг рамзига айланган Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси яқин атрофида баланд бинолар қуриш тақиқланади. Шунингдек, шаҳарнинг тарихий-маданий мерос иншоотларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий мутахассислар томонидан амалга оширилади.

Янги ҳужжатга кўра, Ер кодекси ва тўртта қонунга ўзгаришлар киритилади. Улар шаҳарда сайёҳлик индустриясини ривожлантиришга қаратилган.

ҚР Миллий иқтисодиёт вазири ўринбосари Арман Қасенов 2025 йилда шаҳарда қандай янги иншоотлар қурилиши режалаштирилганини маълум қилди.

– 2025 йилда қуйидаги лойиҳалар жорий этилади: “Парасат” ва “Астана” истироҳат боғларини барпо этиш. Ушбу мақсадлар учун 10 миллиард тенге ажратилади;

“Туркистон” махсус иқтисодий минтақасида муҳандислик инфратузилмасини барпо этиш. Ушбу мақсадлар учун 7 миллиард тенге ажратиш режаланган;

Ихтисослаштирилган олимпия захиралари ўсмирлар спорт мактаби учун спорт мажмуаси қуришга 3 миллиард тенге;

спорт мажмуалари ва эшак эшиш канали қуришга 4 миллиард тенге;

кўп тармоқли мажмуавий отчопар қурилишига 13 миллиард тенге ажратилади, – деди у.

24.kz. маълумотлари асосида.

Президент тўғриси

Сариоғоч туманидаги С. Тўрайғиров номидаги мактабнинг 4-синф ўқувчиси Хиуаз Аршабайга Қасим-Жумарт Тўқаевнинг махсус совғаси топширилди.



Ўқувчи Давлат раҳбари номига хат йўллаб, ўз орзуни баён қилган. Орадан кўп вақт ўтмай, Хиуаз Қасим-Жумарт Тўқаевдан совға олди.

Хиуаз – кўп болали оиланинг олтинчи фарзанди. У нафақат илмий ютуқлари, балки ижоди ва иқтидори билан ҳам ажралиб туради. Унинг барча ака-ука ва опа-сингиллари ҳам санъат ва илм-фанга қизиқади.

Хиуаз Президентга йўллаган мактубида ака-ука ва опа-сингиллари учун ноутбук сўраган, шунингдек, Давлат раҳбари билан учрашиш истагини билдирган.

Астанадан жўнатилган совғани Туркистон вилояти таълим бошқармаси мутахассислари Хиуаз Аршабайга топширди.

24.kz. маълумотлари асосида.



1941–1945 йиллардаги урушда кўп миллатли Қозоғистон халқи жанг майдонларида ва фронт ортида улкан жасорат ва матонат кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди. Урушда қатнашган 1,4 миллиондан ортиқ қозоғистонликларнинг ярим миллиондан ортиғи ҳалок бўлди, 133 мингга яқини бедарак йўқолди, 60 мингдан зиёди ногирон бўлиб қайтди.

Урушда қатнашганлар, яъни оловли йилларнинг тирик гувоҳлари бўлиб отахонларимизнинг сафи йилдан йилга камайиб бормоқда. Улар томонидан минглаб китоблар, хотиралар ёзилган.

Совет ҳукумати 22 июнь куни урушнинг бошланиши муносабати билан мамлакат халқига мурожаатномани радио орқали эълон қилди. Бу мурожаатнома халқни ғалабага эришиш учун мустаҳкам жипслашишга, уюшқоқлик ва фидокорлик кўрсатишга чақирди. “Бизнинг ишимиз ҳақ иш! Душман тор-мор келтириллажак! Биз ғалаба қиламиз!”, дейилган эди мурожаатномада.

Халқимизнинг бошига оғир синовлар тушди. Урушнинг бошланганлиги тўғрисидаги шум хабар етиб келган кунидеги мамлакатимиздаги барча корхона ва муассасаларда митинглар ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар, зиёлилар, талаба ёшлар Ватанимизни ҳимоя қилишга, ғалабани таъминлаш учун фронт орқасида фидокорона меҳнат қилишга тайёр эканликларини билдирдилар. Қозоғистонликлар фронтга отландилар.

Урушнинг биринчи ойдаёқ ҳарбий комиссарликка минглаб ишчилар,

МАТОНАТ УНУТИЛМАЙДИ

ҚОЗОҒИСТОНЛИКЛАР – УЛУҒ ВАТАН УРУШИДА

хизматчилар, колхозчилар, ёшлар ўзларини фронтга жўнатишни сўраб ариза беришди ва қўлга қурол олиб фронтга жўнаб кетдилар.

Хўжаликлар, корхоналардан фронтга сафарбар этилган эркаклар ўрнини кексалар, хотин-қизлар ва болалар эгалладилар. Яқка тартибда ва бригада тарқасида хунар ўргатиш ишлари йўлга қўйилди. Қишлоқлар аҳолиси фронтни ва фронт ортини озик-овқат, саноатни хомашё билан таъминлаш учун оёққа турди. Ҳар бир ишчи икки-уч иш режасини бажариш учун фидокорона меҳнат қилди. Халқимизнинг инсонийлик, олижаноблик, болажонлик фазилатлари уруш йилларида мамлакатнинг гарбий вилоятларидан кўчириб келтирилган аҳолига, болаларга кўрсатган очикқўнғиллиги, ҳамдардлиги ва ғамхўрлигида ўз ифодасини топди.

Вилоятимиз урушнинг дастлабки йилларида Россия, Украина, Бело-

руссия, Молдавия, Болтиқбўйи республикаларидан кўчириб келтирилган кишиларни, шу жумладан, етим болаларни ўз бағрига олди. Кўчириб келтирилган аҳолини қабул қилиш, жойлаштириш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш масалаларини меҳнат жамоаларининг йиғилишларида муҳокама қилиш ва амалий ёрдам кўрсатиш тадбирлари кенг қўлч оёзди. Бу вақтга келиб минглаб ҳамюртларимиз ярадор бўлиб, бири қўлидан, бири оёғидан айрилиб, юртига қайтишди.

Урушнинг дастлабки кунларидаёқ жойларда ҳарбий қисмлар ва қўшинлар шакллантирила бошлади. Душманга қарши жангга биринчилардан бўлиб полковник (кейинчалик генерал-майор) А. Ф. Наумов кўмондонлик қилган 312-ўқчи дивизияси ва Алматыда ташкил этилган 316-чи дивизия (генерал-майор И. В. Панфилов кўмондонлигида) отланди. 316-ўқчи

дивизия аскарлари ва командирларининг жасорати ҳақида кўплаб китоблар ёзилган.

Эътиборингизни тарихий сатрларга қаратамиз. “1941 йил 16 ноябрда Москвани фашист босқинчиларидан мудофаа қилиш жараёнида генерал Панфилов дивизиясининг 28 нафар аскари Дубосеково тарафида бўлиб ўтган жангга жасорат кўрсатиб, душманни тўхтатди. Ушбу тарихий жангнинг 28 нафар иштирокчиси СССР Олий Кенгаши Президиумининг фармони билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланди. Волоколамск вилоятидаги бу жангларда истеъдодли кўмондон, генерал-майор И. Панфилов қаҳрамонларча ҳалок бўлди ва вафотидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди”.

А. АБДУҒАТТӨХ.

Энергетика вазири Алмасадам Сатқалиев Кентов шаҳрига хизмат сафари билан ташриф буюрди. Мақсад – 28 январь кунини ўтган Ҳукуматнинг кенгайтирилган йиғилишидаги Давлат раҳбари топшириқлари ижросини таъминлаб, минтақадаги инфратузилмани ривожлантириб, энергетик салоҳиятини ошириш.



ҚР ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРИ – КЕНТОВ ШАҲРИДА

Вилоят ҳокимлигида ўтган мажлисда А. Сатқалиев минтақадаги энергетика соҳасига оид масалаларни ҳал қилиш йўллари ҳақида фикрларини айтиб, муҳим лойиҳаларни муҳокама қилди.

Вилоят ҳокими Н. Кўшеров вилоятда энергетика тақчиллигини бартараф этиш, янги қувват манбаларини ишлаб

Таъкидлаш жоиз, ўтган йили Кентов шаҳридаги Иссиқлик станцияси янгиланди, қозонхоналар замонавийлаштирилди. Иситиш муаммоси ҳал бўлди. Вилоятнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида Сайрамда 1000 Мвт, Тулкибошда 320 Мвт, Кентовда 240 Мвт газ турбинали станциялари, шунингдек, Саврон,

ни янгилаш ва аҳоли манзиллари ни сифатли электр энергияси билан таъминлаш тадбирлари давом этади.

Шунингдек, вазири Кентов шаҳридаги 5-сонли Иссиқлик-энергетика маркази (ИЭМ) даги қайта қуриш ишлари билан танишди.

Мутасаддиларнинг аҳолини сифатли иссиқлик билан таъминлаш, вазиятни назорат қилиш, шунингдек, иссиқлик тармоқларини таъмирлашга оид амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги маълумотларини тинглади.

Давлат раҳбари топшириғига кўра Кентов шаҳрини сифатли иссиқлик билан таъминлаш мақсадида «Кентау шаҳридаги 7,8,9,10,11,12-сонли ИЭМ қозонхоналарини таъмирлаш» лойиҳаси тайёрланиб, иссиқлик манбаларини янгилаш учун маблағ ажратилган. Станция 1934 йилда барпо этилган. Унинг қурилмалари 1954 йилда ўрнатилган. Сўнгги йирик қурилиш ишлари 2012 йилда амалга оширилган. Ҳозир Кентов шаҳридаги 5-сонли ИЭМ таъмирланиб, шаҳардаги хонадонларни тўлиқ иситмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 6 қозонхонада қайта қуриш ишлари юритилди. Бундан ташқари, 2та қозонхона таъмирланди. Шаҳардаги 6,6 қақиримли магистраль иситиш тармоқлари ҳам таъмирланди.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.

ДЕПУТАТЛАР БОЖХОНА БЕКАТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

Вилоят маслаҳати раиси Нурали Абиш етакчилигидаги депутатлар – Мағауя Турисбеков, Дулатбек Абиш, Алмас Салимов, Жўмарт Абдибаев, Нуржан Жамалбеков, Жарқинбек Қанаев, Ғани Райимбеков, Бақитжан Серманизов, Ержан Усентаев, Ержан Қўсамбетов, Бекжан Айтқулов Мақтаарал, Келес, Саригоч туманларидаги божхона бекатларининг фаолияти билан танишиб, таҳлил қилишди.

Боиси ушбу масалани минтақа аҳолиси тез-тез кўтариб, фикр билдиришмоқда.

Бу борада вилоят ҳокимлиги қошидаги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича идораларо комиссия мажлисида вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров божхона соҳасидаги муҳим масалаларни эътиборга олган ҳолда мутасаддиларга «Атамекен», «Қапланбек», «Қазигурт»



киритиш, божхона бекатлари ва ўтказиш пунктларидаги йўловчилар ва юклар хавфсизлигини таъминлаш масалалари айтилиб, тегишли топшириқлар берилган.

Ушбу тадбирлар ижроси билан танишган депутатлар ўз фикрларини билдирди. Де-

ноқонуний айирбошлаш фуқаролар ўртасида жанжалларга, дуқ-пўписа, фирибгарлик ҳолатларига сабаб бўлишини таъкидлашди. Шу боис, божхона ходимлари тартибни кучайтириш мақсадида, полиция идораларининг патруль хизматини кўпайтириш орқали назоратни кучайтиришни сўранди.

Ўзбекистон Республикаси «Ғишт-Кўприк» ўтказиш пункти билан қурилишни тугаллаш учун 4 ойга ёпилгани боис, «Жибек жўли» ўтказиш пункти ҳам вақтинча фаолиятини тўхтатди. Эндиликда, одамлар «Қапланбек» ва «Навоий» ўтказиш пунктлари орқали ҳаракатланмоқда.

Пиёда йўловчилар ҳаракати «Қапланбек», «Б. Қўнибаев» ўтказиш пунктлари ва «Сирдарё», «Целинный» назорат-ўтказиш пунктлари орқали амалга оширилса, юк машиналари одатдагидек «Б. Қўнибаев», «Атамекен», «Қазигурт» ва «Тажен» ўтказиш пунктлари орқали, темир йўл ҳаракати эса «Сариогоч» ва «Бейнеу» темир йўл ўтказиш пунктлари орқали амалга оширилади.

Депутатлар гуруҳи божхона бекатларини таҳлил қилиш жараёнида аниқланган масалаларни доимий комиссия мажлисида муҳокама қилиб, тақлиф ва мулоҳазаларни тегишли давлат идораларига йўллашди.

Вилоят маслаҳатининг
матбуот хизмати.



божхона бекатларини таъмирлашни муддатда тугатиш ва «Жибек жўли» божхона бекатини тўлиқ янгилаш ишларини сифатли адо этишни топширган эди.

Божхона бекатларида одамлар ва машиналар тўпланиб, қолишининг олдини олиш, импортга чиқариладиган маҳсулотларни декларациялашни қатъий назорат қилиш, халқаро юк айланими ҳажмини орттириш бўйича тақлифлар

путатлар бекатлардаги қурилиш бўйича пудратчиларга иш суръатини ошириш зарурлигини, сифатга қатъий амал қилиш кераклигини айтишди.

Яна бир муҳим масала – чегара божхона бекатлари атрофида инфратузилмининг, яъни, умумий овқатланиш, дам олиш, ҳожатхона йўқлиги йўловчиларга муайян қийинчиликлар туғдирмоқда.

Халқ вакиллари божхона бекатлари атрофида пулларни



чиқарадиган станциялар қурилишга оид тақлифларини баён қилди.

Жумладан, Туркистон ва Кентов шаҳарларидаги иссиқлик тизимларини янгилаш, Туркистон шаҳридаги «Ясси» ва «Марказий» станциялари орасидаги 110 кВ электр тизимлари қурилиши, вилоят аҳолисини газ билан таъминлаш ишини давом эттириш ва бошқа масалалар айтилди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари З. Жўлдасов инфратузилма, газ, электр соҳаларида амалга оширилган ишларни баён этди.

Сайрам туманларида 785 Мвт, Байдибек туманида 350 Мвт қувватга эга электр станцияларини барпо этиш режалаштирилган. Вилоятда 278,6 МВТга эга 24та энергия иншоотлари фаолият юритмоқда. 2024 йилда Келес туманидаги «Қизиласкер», Туркистон шаҳридаги «Солтүстік» станциялари электр тармоқлари билан фойдаланишга топширилди. 2024 йилда 53 аҳоли манзили (81 минг аҳоли) газлаштирилди. Натияжада газ билан таъминланган аҳоли манзиллари сони 563тага етди. Минтақада электр тармоқлари-

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА КОНФЕССИЯЛАРАРО ТОТУВЛИК



«Дўстлик уйи» биносида Туркистон шаҳри ҳокими Азимбек Пазилбекули жамоат ташкилотлари етакчилари билан ҳамжиҳатлик ва конфессиялараро тотувлик мавзусида йиғилиш ўтказди.



ҚХАнинг 30 йиллиги доирасида амалга оширилаётган тадбирлар, режалар хусусида вилоят ҚХА қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси Сўзақбай Абдуқулов, вилоят «Жамоат тотувлиги» ДКК раҳбари Элмира Уласбек қизи, шаҳар УЭМБ раиси Райимжон Қўчқоров, фахрийлар кенгаши раиси Жарқинбек Қулбайимбетов ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари фикр-мулоҳазаларини баён этишди.



Вилоят оқсоқоллар кенгаши раиси Жарилқасин Азиретбергенов «Улес» хайрия жамғармаси раиси Р. Қўчқоровнинг 45 ҳамда «Бирлик» кичик тумани мутасаддиси Т. Абдувалиев раҳнамолигида 5 уй барпо этиб, кам таъминланган оилаларга тақдим этилганини ибрат қилиб кўрсатди. Эл бирлиги, тотувликка барчамиз муносиб ҳисса қўшайлик.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасининг ахборот-тарғибот гуруҳи аъзолари Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги доирасида Саригоч, Келес туманлари аҳолиси билан учрашув ўтказишди.

Учрашувлар туман ва шаҳарлардаги ўзбек этномаданият бирлашмаларининг фаолияти билан танишиш, маҳаллий муаммоларни биргалликда ҳал этиш, ҳамжиҳатлик ва тотувлиқни таъминлаш йўналишида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида уюштирилди.

Ахборот-тарғибот гуруҳи дастлаб Саригоч тумани аҳолиси ҳузурида бўлди. Тадбирни очиб, олиб борган вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметов эл бирлиги ва тотувлигини мустаҳкамлашда барча этносларнинг бир ёқадан бosh қиқариб, иш юритиши муҳимлигига алоҳида урғу берди.

Вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раисининг ўринбосари, Оқсоқоллар кенгаши раиси Зуппархон Чолдонов Давлат



раҳбарининг адолатли сиёсати туфайли бугун кунда мамлакатимизда 130дан зиёд этнос вакиллари ягона чангароқ остида до-риломон ҳаёт кечираётганини таъкидлади, оқсоқоллар, обрўли шахслар ҳамжиҳатлик, бирлиқни таъминлашда ибрат бўлиши зарурлигини айтди.

Шунингдек, қишлоқ оқсоқоли Раҳмат Холматов ҳам учрашувнинг аҳамиятига тўхталиб, эркин шаклда ўтган мулоқот самарали бўлганини таъкидлади. Маданий тадбирлар, дарслиқлар масаласи, мактаб-

ТУМАНЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАР КУЧАЯДИ



«Жамоат тотувлиги» ДКК Жетисай туман бўлими раҳбари Данияр Мирзамуратов олиб борган тадбирда этнослараро ҳамжиҳатлик барқарорлик гарови эканлиги таъкидланди.

Жетисай ва Мақтаарал туман УЭМБ раислари Қодир Бобомуродов ҳамда Ҳасан Собировлар ўз тақлифларини илгари суриб, этнослараро ҳамжиҳатлиқни кучайтириш борасида куч-ғайратларини аямасликларини маълум қилишди.

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири Райимжон Алибоев, вилоят УЭМБ раиси ўринбосари Замир Муҳаммаджонов ва Бахтиёр Шомуродовлар учрашувлар эл бирлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишига урғу беришди. Минтақамиздаги сиёсий-ижтимоий ҳаёт, тинчлик ва ҳамжиҳатлиқни тараннум этаётган «Жанубий Қозоғистон»га фаол обуна бўлишга чақирди.

Тўлебий туманидаги мажлис «Султонраб» мактабда ўтди. Йиғин туман ўзбек этномаданият бирлашмасининг раиси Ўсмонали Қодировни хотирлаш билан бошланди. Фаоллар – Хурибуви Одилова, Анормат Усмонов, Отабой Раҳимғозиев, Мавлуда Юсупова, Тўлқин Сулаймонов ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шохбэк Ирисметов ёшларга кўпроқ имконият яратиб беришларини сўради.

«Жанубий Қозоғистон» мухбири.

»» Навоий таваллудига – 584 йил

НАВОИЙ ЗАМОН ВА ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН БУЮК ШАХС



ҚХАнинг 30 йиллиги доирасида Қазигурт туманининг Турбат қишлоғида ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг 584 йиллигига бағишлаб “Навоий – замон ва халқларни бирлаштирган буюк шахс” мавзусида адабий кеча ўтди.

Тадбир ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти, Ўзбекистон Республикаси “Ватандошлар” жамоати жамғармаси, Шимкент шаҳар ва Қазигурт туман ўзбек этномаданият бирлашмалари шафелигида уюштирилди.



бошқармаси раҳбарининг ўринбосари Нурсултан Сейтжанов, “Дўстлик” ҳамжамияти раиси Икромжон Ҳошимжонов, вилоят УМБ раиси Баҳодир Ирисметовлар тадбирнинг мақсади – қардош халқлар орасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантириш эканлигига ургу беришди. Шунингдек, маданий ва адабий кечалар, тадбирлар уюштириш орқали қозоқ ва ўзбек тили, маданияти ва анъаналари ривожини таъминлаш эканлигини таъкидлашди.

Тадбир давомида делегация таркибидаги хонандалар

Адабий тадбирда ўзбекистонлик олим, ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар, зиёлилар қатнашди.

Алишер Навоий – туркий тилни илм ва таълим, мумтоз адабиёт ва санъат тилига айлантириш пойдеворини қалаган, тарихий-маънавий бурилиш қилган буюк шахсдир.

Тадбирда иштирок этган Қазигурт тумани ҳоқими ўринбосари Мадияр Уразалиев: – Мамлакатимиз кўп этносли эканлиги барчага маълум. Шу боис, биз учун тотувлик, бирлик улкан аҳамият касб этади, дея барча этнос вакилларини ягона байроқ остида тинч-тотув умргузаронлик қилиши барчамизнинг дўстлик ва бирликин қадрлашимиз тугайли эканлигини таъкидлади ва ўзбекистонлик меҳмонлар ва Ассамблея аъ-



золарига миннатдорчилик билдирди.

Бирликин мадҳ этган тадбирда “Ватандошлар” жамоати жамғармаси бошқаруви раиси Одилжон Сатторов, Туркистон вилоят ижтимоий тараққиёт

санъатларини намойиш этишди. Улар, шунингдек, Турбат қишлоғидаги мактаб, маданият масканларига китоб, ўзбек миллий музыка асбоблари тақдим этишди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

»» Яссавий заковат мактабида

НАВОИЙ ВА АБАЙ ИЖОДИЙ МЕРОСЛАРИНИ ЎРГАНАМИЗ



Қорачиқлик таниқли тадбиркор Ҳабибулла Азимов фарзанди, Саврон туман маслаҳати депутати Азиз Ҳабибулла ўғли билан ўтган йили барпо этган 900 ўринли Яссавий номли заковат мактаби кутубхонасида қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Мирзахон Адхамов, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Музаффар Марамовлар ташаббуси билан “Алишер Навоий ва Абай Қунаббаев” номли тарбиявий аҳамияти теран файзли тадбир ўтди.

термулиб, тобе бўлиш одатидан йироқлашиб китоб, даврий нашр, хусусан, она тилимиздаги «Жанубий Қозоғистон» газетасини мутолаа қилиш тавсия этилди.

Тадбир ниҳоясида меҳмонлар мактаб ошонасини фаолияти билан танишиб ўқувчиларнинг мазали, иссиқ таом билан таъ-



Фахрий отахонлар Мирзахон Адхамов, Қодир Аҳмедов, Жаъфар Исмаилов, Ҳабибулла Азимов, Худойберган Мамитовлар Алишер Навоий ва Абай Қунаббаевлар даврдан келатган аждодларимизнинг кутлуғ анъанаси – ёшларнинг илму

маърифат, ҳунар эгаллашга кунт қилиши, давлатимиз томонидан ўқувчилар камолоти учун яратилаётган аjoyиб имкониятлар, ватанпарварлик, дўстлик, тотувлик неъматлари ҳақида ҳаётий мисоллар асосида гапириб беришди. Смартфонларга

минланаётлигининг шоҳиди бўлишди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Мактаб ўқувчилари; фахрий меҳмонлар.

Муаллиф суратга олган.

»» Буюк Даштнинг улуғ алломалари

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Имом хатибни муфтий қувватлади: – Орий рост, Ҳазратим, Расули акрам жанобларининг йўриқларида ҳам жамоа намозининг савоби кўпроқ дейилмиш. Эл-улус ёмон уйга бормасин-да, иншооллох...

Бу икки дин пешвосининг шундоқ фожиа кунлари мутаассибларча фикрлаши Султон ул-орифининг гашини келтирди. У муҳтасибга ўғирилди:

– Бозорни нега ёдпингиз?
– Шаҳаншоҳдин фармон бўлди, – деди муҳтасиб, хиёл ўрнидан кўзғалиб, – токи одамлар бир-бири билра алоқа қилмасин, бир-бирига ўлат юқтирмасин...

– Боракалло! – деди Шайх, – демек, бозорда халойиқ тўпланса, ўлат юқади, масжидда юқмайди, шундоқми?

Шайх сўзидаги мантқ ва шоҳ фармонини эшитиб, муфтий билан муҳтасиб бир қадар талвасага тушдилар.

Ҳазрат давом этди:

– Муфтий жаноблари, сиз ҳадиси шарифни хўб ўқибсизу, маънисини уқмабсиз. Сарвари коинот неки васият қилдилар, сизу бизни, инсон зотини ўйладилар, дунёга келажак зурриётимиз ғамин едилар. «Вабодин қочингиз!» деб марҳамат айлаган Ҳақ Мустафо бошингизга ялпи ўлим келганда жамоа намозидан қолмангиз, дейишларига ишонгим келмайди. Валлоҳи аълам! Шайх ул-машойих «Шоҳимизнинг андишалари нечүк?» дегандек Султон Санжарга ўғирилди. Санжар анчадан бери бир қарорга келиб, хаёлан пири комилни қувватлаб ўтирган эди. Азим мамлакатнинг буюк султониға хос кескир сўзини айтди.

– Пири комилнинг муборак нафасларини шоҳ фармониға дебоча деб қабул этгаймиз. Мунший, ёзинг! Салтанатимиздаги жами ҳозик табиблар тез фурсатда Марваға етиб келсинлар. Вазири акбар, бизнинг номимиздан фармони олий тайёрланг, кимнинг илкида адресман бўлса, бу ён элтсин. Муфтий жаноблари, сиз фатво берингки, то ўлат даф бўлмагунча жамоа намози бекор қилинсин. Ясовулбоши, қулоғингизга қуйиб олинг, табиб зоти билра майитнинг хешларидан бўлак тирик жон қалъаға ёвуқ йўламасин. Вассалом, сизларға ижозат.

Аввал аркони дин, кейин аркони давлат биринсининг саломхонани тарк этдилар. Султон Санжар муштоқи дийдор эди. Неча кундирки, пири муршид суҳбатларига ноил бўлполмади. Дилда армон қат-қатланиб ётибди. Шукр ким, Ҳазрат ўз оёқлари билан кириб келдилар.

Санжар пири комил ила танҳо суҳбат кўрмоқни жуда истар, лекин бу ниятини устозга айтполмай, истихоло қилиб ўтирарди. Узгалар кўнглида зухур этадиган яхши-ёмон аъмолни кўнгил кўзи орқали дарҳол илғайдиган Султон ул-орифин бош буриб, ҳамроҳларига ижозат берди:

– Шоҳ жанобларининг бизга айтар сўзлари борға ўхшайди. Хонақоҳда бўлсинлар, иншооллох, асрагча етиб бораймиз.

Саломхона бўшади. Дастурхон ёзилди. Анор суви, олма шарбати, Балх шинниси, бугдой нон қўйилди. Шайх нондан бир тишлам синдириб еди, шиннидан тотинди. Сўнг нонни қўлиға олди, унга узоқ тикилди, хидлади ва оҳиста деди:

– Илоҳо, ҳеч кимни нондан айирмасин. Ҳар кишининг нони бутун бўлсин. Умар ҳалол бўлсин. Луқмаҳи бир замонлар келади, одамлар бир бурда нонға имонларини сотадилар. Ота-бола, оға-ини ўртасидан меҳр-оқибат кўтариллади. Жон дўстингиз саломни учун сиздан ақча сўрайди. Қизи онасига қарз берса, қарзини қўстайди. Бул замон қиёмат кунидан дарак бергувчи кун бўлса ажаб эмас.

Пири комил нонни дастурхонға қўйди, Санжарнинг жавдираб турган ўйчан кўзларига қараб давом этди:

– Шаҳаншоҳ, бўркимизни ерга олиб қўйиб бир мушоҳада қилайлик. Қаранг, халқнинг меҳрида ҳам, қаҳрида ҳам ҳикмат бор. Бугдой нонинг бўлмаса, бугдой сўзинг бўлсин, дейдилар. Сийлагани пулинг бўлмаса, сийлагани тилинг йўқми, э дўст? Сизда ақча ҳам, бугдой нон ҳам бисёр. Эл-улусдин бугдой сўзингизни дариг тутманг, Султон. Бугдой нонингизни аяманг. Билингки, одамларнинг қорни тўқ бўлса, амри маъруф ҳам қулоқларига яхшироқ ўрнашади.

Ҳазрат олма шарбатидан бир хўплади. Дастурмоли билан бежирим соқол-муртини арди.

– Сизга айтар мухтасар сўзимиз шул, Султон. Буни хоҳ насиҳат деб билинг, хоҳ васият. Жоҳилият деб аталмиш узун бир даврда одамлар тилзабонли ҳайвондек яшади. Тириклайин кўмилди, зино айб саналмади, ҳаром-харийшдан ҳазар қилмадилар. Аллоҳға шукр, дини ислом нозил бўлди. Энди Қуръони маҳид бор, ҳадиси шариф бор. Вале менинг хавотирим ҳам бор.

Санжар таажжуб ила сўради:

– Недин хавотирлар бор, пиризм?

– Оят ўқиб, тафсири уқмаган аҳли каломдин. Салласидин от хурқадиган имомлардин. Авомни Аллоҳ сўзи билра кўрқитиб, луқма ейдирган уламолардин, ҳадисни калтак қилиб, раиятнинг жонига озор берувчи муҳаддислардин хавотирим бор. Аллоҳ таоло ва таборак исломни азоб учун эмас, роҳат учун яратмиш. Дин деб халойиқ жафо тортмасин, билъакс кўнгли сув ичсин, умри зиёда бўлсин. Боқинг, Султон. Тарёк захри қотил, арақ дурдаси куфронин неъмат. Вале ёмон дардга чалинган кишининг дору ўрнида истеъмолат этиши гуноҳи азим эрмас. Жоҳил уламо зоти борки, бул ҳақиқатни эшитса, саққолин юлиб ғалаён кўтаргай. Уларға авомнинг саломатлигининг дастор обрўсини асраб қолмоқ авлоқдордир.

Бир ажиб замонлар келади ҳали, Султон, мутаассиб муллоларнинг фатвоси билан исломиятға бидъату хурофот унсурлари кўчиб ўтажак. Алалоқибат мунаввар дини исломға маломату заҳмат етажак. Бу янглиғ андешалар тунлар уйқунгизни қочирмайдиму, шоҳ жаноблари?

Султон Санжар пири комилнинг сўзларига таслим бўлиб, тамом ўзини унутган, хаёл уммонида гарқ эди.

Ҳазрат бир неча сонийлик сукутдан кейин ўзиға ўзи деди:

– Менинг уйқум қочадир...

...Уша кун Санжарнинг уйқуси ўчди. Алоқ-чалок тушлар кўриб чиқди. Тушида бир тўда уламо масжид устунларини от қилиб миниб юрганмиш...

Саъдулла СИЁЕВ

Аҳмад Яссавий Роман



Қозикалон салласини тўлдириб, қора кўйнинг калласини кўтариб кетаётганмиш... Муҳтасибнинг қўлида таёқ ҳайқириб одамларни қувармиш. Калтаги негадир алифға ўхшар эмиш...

Санжар уйғониб тақбир айтди. Вазири акбарни чақириб исқот тарқатишни буюрди.

Уч кун ўтиб шаҳарда жаноза намози кўпайиб кетди. Кўчаларда ўқтин-ўқтин тобутлар кўринади: анбар ёпилган – аёлларники, жойнамозға ўралган норасидалар, ёстиққа кўндаланг ётқизилган гўдак багчалар...

Салтанатнинг турли бурчакларидан етиб келган табиблар уйма-уй юриб муолажа қилдилар. Мезаналарда муаззинлар даъвати тинган, ҳар ким ўз ёнға ўзи қовурилади, бошларига келган дарду бало билан олишади.

Қалъа дарвозаларидан гурас-гурас туя карвонлари киради. Барчасига исриқ юклаган. Шаҳар кўчаларида, хонадонларда, қарвонсаройлару мусофирхоналарда тинимсиз исриқ тутайди. Марви жаҳон гўё ҳасрат ўтида тутаб ёнаётгандек эди.

Худонинг берган куни бир хонадонда йғи товуши эшитилади. «Вой болам! Вой онажоним! Вой отажоним!» деган нолаю афғондан юраклар пора-пора бўлади. Кун ўтиб борар, борган сари шаҳар аҳли сийрақлашиб, қабрлар кўпайиб борарди.

Шайх ул-машойих ҳужрасидан бир қадам чиқмай муқим ўтирибди. Салот ҳам, саловот ҳам шу ерда. У Кутбиддин билан қошиқ йўнади, маъсура дуолардан ўқийди, ногаҳон эл устиға ёғилган фалокатни ўзинг аритгин, дея Аллоҳдан шафот тилайди.

Бир кун Сулаймон кирди. У бош эгиб, анча ўтирди-ю, уҳ тортиб оғиз очди:

– Сафимиздан хато бўлди, пиризм.

Шайх ёғондан бош кўтарди:

– Кимлар экан, билдингизми?

– Ҳовва. Бириси Исфимжобдин, иккинчиси Самарқанддан, боз иккиси Соброндин экан.

Шайх юзига фотиҳа тортиди.

– Аларнинг ҳажжи бадалин мўйинингизга олинг, – деди кейин, – сабр қилайлик, Сулаймон. Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ. Қозил ҳожотдин, албатта, бир нажот еткусидир.

Уша кунни етти хуфтонгача Ҳазратнинг кўзи илинмади. У Асмон хуснани қирқ маротаба такрорлаб яратганга муножот қилди: «Биру борим, бандаларингизни дардини йғиб менга бер. Она сутига тўймаган гўдакларға раҳм қил. Чимилдиқ роҳатини кўрмаган навжувонларға шафқат қил. Неки азобинг бўлса, Аҳмад қўлингга бер, мен охират яроғини ҳозирлаб қўйибмен. Раббано, бир исминг Раҳмон, бир исминг Қаҳҳор, раҳм қил, раҳм қил, раҳм қил...»

Субҳи содиқда болишга омонат бош қўйди. Кўзи илиниб-илинмаган экан, гойибдан сас келди: «Аё Аҳмад! Оёққа тур! Сени чилтанлар сўраб турибди...»

Кўзини очди. Шифтда патнисдек зангори нур ўйнади. Шайх «Бисмилло!» деб ўрнидан турди. Таҳорат олди. Тақбир айтиб кийинди. Шифтдаги нур девор бўйлаб сирғалиб остонаға етган, гўё валийнинг йўлини пойлаб тургандек эди.

Султон ул-орифин шаҳд ила ташқари чиқди. Кун совуқ, ҳаво қоронғи, осмонда сезилар-сезилмас юлдузлар милтирайди. Шайх қай тарафға юришин билмай иккиланиб турди. Чилтанлар одатда бирон хароба иморатда, қабристон мужовирхонасида, ёхуд чиллахоналарда йғилиб, фано билан бақо олами хусусида суҳбат қурадилар. «Қай манзилда экан бизни чорлаган биродарлар?»

Шу асно изидан нур етиб келди. У авлиёнинг олдиға ўтди, зимистон йўлақда кумуш гиламчадек ирғишлаб қалъа дарвозаси томон йўл бошлади.

Дарвозабон бевақт эшик уриб турган йўловчини хушламай қаршлади.

– Хобимизни ҳаром қилдингиз, биродар, – деди ҳомуза тортиб, – не тилагингиз бор?

– Эшикни очинг! – деди Шайх амирона оҳангда. Дарвозабон кўзларини ишқаб мингиллади:

– То бомдоғгача муҳтасибға ҳам очмасман. Кутвол буйнимни узадир.

– Очинг! Эмаса ўзимиз очиб чиққаймиз.

Жун чакмон кийиб, одми кўк салла ўраган кичкина жуссали қариянинг пўписаси дарвозабонға бир қадар таъсир қилди. Бирдан у «А-! Астафинулло!» деб юборди. Негаки, Шайхнинг йўлини ёритиб келган нур энди ердан дарвоза ҳалқасига сакрар, Ҳазратнинг оёқларига ўралашиб, тагин дарвозаға ишора қиларди. Эшик оғасининг қўли қалтиради, талваса ичиди қулфға калит сола бошлади. Қулф очилар-очилмас, эшик гичирлади ва дарвоза ланг очилди. Шайх ўйноқи нур етовиди шитоб билан эшикдан чиқиб кетди. Дарвозабоннинг қўли ёқасида, оғзини очанча қолаверди. Шайх ул-машойих муқаддас нурға ерғашиб работға чиқиб борди. Шаҳарнинг кунботар тарафида ястанган кўна бир мазористон эшигига бориб тўхтади. Тонг бўзариб қолган эди. Сорбон-нур гойиб бўлди. Шайх беихтиёр олға қадам босди. Қабристон ичкарисида такяхона кўзга ташланди. Ҳазрат ўша томонға юрди.

(Давоми бор).

"Олтин мерос" – Туркистонда

Сайрам туманининг Қорабулоқ қишлоғида фаолият юритаётган "Олтин мерос" халқ чолғу дастаси аъзолари яқинда вилоят марказига ташриф буюриб, Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси қошидаги китобсеварлар клубининг навбатдаги тадбирида иштирок этдилар. Клуб аъзолари санъаткорлар ижро этган ўзбек мумтоз куйларидан баҳраманд бўлишди.



Тадбирда сўз олган стол теннисидан имконияти чекланган шахслар орасида Қозоғистоннинг 15 карра чемпиони Тўймурод Эшимов ҳамда "Sahiy" хайрия жамғармаси вакили Илҳомжон Абдукаримов клубнинг

ёш авлодни тарбиялашдаги фаолиятини юксак баҳолаб, иштирокчиларга эзгу тилакларини изхор этдилар.

Учрашув якунида миллий санъат ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдаги сама-

рали хизматлари учун "Олтин мерос" дастасининг бадиий раҳбари Озод Иззатуллаев ва аъзоси Тўймурод Эшимов "Туркистон перзенти" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Туркистон шаҳар ўзбек этно-

маданият бирлашмаси раиси Райимжон Қўчқоров меҳмонларга миннатдорчилик билдирди.

3. МЎМИНЖОНОВ.
Тасвирда: учрашувдан лав-

ҳа.

маданият бирлашмаси раиси Райимжон Қўчқоров меҳмонларга миннатдорчилик билдирди.

3. МЎМИНЖОНОВ.
Тасвирда: учрашувдан лав-

ҳа.



LIFE STUDIOни 2004 йили очган Зокир Сайиддин Тошкент шаҳрида ўқиб-ўрганиб, 2009 йилдан эътиборан, никоҳ маросимларини ўтказиш учун энгил автомобиллар хизмати, альбом тайёрлаш, дрон билан хизмат қилиш, фотопортрет, турфа таклифномалар тайёрлаш ҳамда фотосессия хизмати билан элга манзур бўлмоқда.

Флешкага монтаж қилиб ёзиш, дискларга кўчириш жараёнлари ҳам амалга оширилади. Таваллуд кун, турфа юбилейлар, тўй маросимларини сифатли тасвирга олиш хизматлари ҳам бундан мустасно эмас. Студияда жами 25 одам иш билан таъминланган, улар Туркистон, Қизилўрда вилоятлари ҳамда Шимкент шаҳрида халққа хизмат кўрсатишмоқда. Шунингдек, Зокир Сайиддин Туркистон шаҳар этномаданият бирлашмаси

аъзоси сифатида альбом-китоб тайёрлашда яқиндан ёрдам беради. Кам таъминланганлар, етим ва муҳтожларга имкон доирасида ёрдам кўрсатади. Зокир Сайиддин "Ўлес" хайрия жамғармасининг фаол аъзоси.

Яқинда LIFE STUDIO жамоаси 20 йиллик юбилей тўйини нишонлади. Ушбу тадбирда Туркистон шаҳар УЭМБдан мен ва Нурмухаммад Йўлдошевлар иштирок этдик, студия ходимларига фахрий ёрлик ва совғаларни тақдим этдик. Сайиддиннинг онаси Турсуной ая 63 ёшга тўлганлиги муносабати билан "Асл она" медали билан тақдирланди. Сайиддин кўп йиллик хизматлари эвазига "Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси" кўкрак нишони билан тақдирланди. Ҳамкасбларининг тилаги, самимий ниятлари ижобат бўлсин. Сайиддин студия аъзоларини қўлаб, фаол ходимлар – Абдурахмон, Динмухаммад, Олимжон, Алишер, Қўрбонали, Озан, Зафар, Диебрага хорижга йўлланма ҳамда совғалар тақдим этди.

Илҳом ИБРОҲИМОВ,
Туркистон шаҳар УЭМБ раиси
маслаҳатчиси.
Суратда: LIFE STUDIO жамоаси.

»» Байналмилалчилар жасорати

"АФҒОН ТОҒЛАРИДА ОЛОВ КЕЧГАНЛАР"

Саврон туманидаги "Янги Иқон-1" умумий ўрта таълим муассасасининг анжуманлар залида Афғон урушининг туганига 36 йил тўлиши муносабати билан "Афғон тоғларида олов кечганлар" мавзуда учрашув кечаси ўтди.

Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Афғон уруши фахрийларига эҳтиром кўрсатиш мақсадида мусиқа фани ўқитувчиси Бобур Умарқулов раҳбарлигида ташкил этилган мазкур кечага қишлоғимиздаги байналмилалчи-жангчилар Фафуржон Бобохонов, Беглархон Мамешов, Сувонхон Ҳасановлар таклиф этилди.

Инглиз тили ўқитувчиси Ёдгора Раимова кечани очиб, олиб борди. Учрашув аввалида Давлат мадҳияси ижро этилди. Афғон уруши фахрийларининг ҳаёти ва фаолияти билан таништирилиб, видеолаҳза намоиш этилди. Мактаб директори Мухиддин Камолов учрашувда иштирок этаётган фахрийларга: "Ватан олдидаги бурчингизни адо этиш борасида, Афғонистондаги жангда кўрсатган жасоратингиз ҳар доим ёш авлод



учун ўрнак бўлиб қолади! Биз сизлар билан фахрланамиз!", дея, эзгу тилакларини изхор этди.

5-синф ўқувчилари Дурдона Набиева ва Гулфина Тожибоевалар "Мангу эл ёшлари", 2-синф ўқувчилари Султонали ва Билолбек Бобуровлар "Мен ҳам аскар бўламан", 7-синф ўқувчилари Гулсанам Зухриддинова ва Элиза Урмоновалар "Сарбаздар", 3-синф ўқувчилари Мохидил Усмонова ва Маржона Бобуровалар "Бахтли

авлод" кўшиғини ижро этишиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлишди. 6-синф ўқувчиси Дурдона Гафурова ва 9-синф ўқувчиси Зиёда Ойбековалар Афғон уруши фахрийлари тўғрисидаги шеърларни завқ билан ўқиб беришди.

Ўқувчилар Дурдона Усмонова, Асал Эртоева ҳамда Камола Залиевалар ўқиган маҳаллий шoir Акажон Иззатийнинг фахрийларга бағишланган шеърлари кеча файзига файз кўшди. Сўнг Афғон уруши фах-

рийлари жангу жаддалар ҳақида гапириб, бугунги тадбирнинг юксак савияда ташкил этилганлиги учун мактаб жамоасига миннатдорчилик билдириши ва ўқувчиларнинг саволларига жавоб беришди.

Кеча поёнида мактаб маъмурияти томонидан фахрийларга совғалар топширилди.

Бобоқори ОРТИҚОВ,
директорнинг
тарбиявий ишлар
бўйича ўринбосари.

Сарҳад ошиб жангда бўлдингиз,
Сафнингизда тўқилди ҳам қон.

Бургут янглиг шашта тўлдингиз,
Курашувчи зот-да, бу – инсон!

Ғолиб яшанг, ошиблар дован,
Эл ўғлони – Гафур Бобохон.

Намунадир жасоратингиз...

Сиздек сева олсак Ватанни,
Дилда қолмас зарра ҳам армон.
Булбул севган қадр чаманни,
Яшай олган бўлардик чунон.

Намунадир жасоратингиз,
Қалбга қўйиб олғаймиз обдон.
Тоққа қиёс салобатингиз,
Бағрингизда яйраймиз шодон.

Ватанпарвар бўлай деган жон,
Ибрат олсин, сиздан ҳар қачон!

Акажон ИЗЗАТИЙ.
Янги Иқон қишлоғи.

УЧ ЎҒЛОНГА – УЧ КИЧИК ДОСТОН!

Гоҳ фаровон кечса-да турмуш,
Гоҳ урушдан кўз очмас замон.
Бошинг силар ё туширар мушт,
Ҳаёт ҳукми шу ўша ҳамон.

Очиқ бўлсин ҳамиша осмон,
Тилда достон – Беглар Мирзахон.

Сувонхон Ҳасановга!

Бағрин тутган ўтга, оловга,
Сиз мард ўғлон, жасур, паҳлавон,
Ҳатто жонни қўйиб гаровга,
Жабҳа узра урдингиз жавлон.

Ўтди бари, ўтди барчаси,
Ортада қолди ул қонли майдон.
Хур Ватаннинг юрак парчаси,
Суринг энди сиз давру даврон.

Ҳарбий либос кийган сиз посдон,
Шер юракли бобом Сувонхон.

Ғафур Бобохоновга!

Ўқидингиз мактабда аъло,
Ўқитяпсиз нур сочиб забон.
Синовларин айлади раво
Ҳаёт деган катта имтиҳон.

Афғон эли бошдан ўтказган,
Йиллар ёди тундай зимистон.
Қисматини тошдан битказган,
Олов кечмиш уч ботир ўғлон.

Иззатийдан бўлсин армуғон,
Учовлонга – уч кичик достон!

Беглархон Мамешовга!

Кўксингизда медаль шодаси,
Майдондаги мардликдан нишон.
Танк даҳшати, ўқлар садоси,
Ўйингиздан кетмас ҳеч қачон.

Сирларга бой Афғон тоғлари,
Ушбу сирлар сизгадир аён.
Дейсиз: яшнаб тинчлик боғлари,
Дўстлик илдиқ отсин ҳамма ён.

Шоҳбайт

**"ОЛАМ АҲЛИ, БИЛИНГИЗКИМ,
ИШ ЭМАС ДУШМАНЛИҒ,
ЁР ЎЛУНГ БИР-БИРИНГИЗГАКИМ,
ЭРУР ЁРЛИҒ ИШ".**

Алишер НАВОИЙ.
(Мазмуни: "дунёдаги кишилар, бир-бирларингизга душман бўлмаңыз. Бу иш эмас, ҳаммангиз бир-бирларингизга ёру бўст бўлингизким, ҳақиқатда иш шулдир").

Мағриб маърифати

"Кун – ҳаёт бозорида сарфлайдиган тилла тангамиз".
Витаутас КАРАЛИЮС, Литва шоири.

"Энг ашаддий душманингизнинг сиз тўғривизда юзингизга айтган хунук гаплари яқин дўстларингизнинг ораңгиздан айтган ёмон гаплари олдида ҳеч нима эмас".
Альфред де МЮССЕ, француз ёзувчиси.

"ЎЗИНГ ҲАМ ЯША, ЎЗГАЛАРНИНГ ЯШАШИГА ҲАМ ХАЛА-ҚИТ БЕРМА".
Гаврил ДЕРЖАВИН, рус шоири.

**Кўрар кўзга ажаб сўфинамосан,
Нихонда нафс итига мубталосан!**
Сўфи АЛЛОҲЁР ТўРА.

**Маҳатма Ганди
ҳикматлари**
(1869-1948 йилларда яшаган
ҳинд мутафаккири ва
давлат арбоби)

- Агар биз эшитишни билсак, Тангри ҳар биримиз билан ўз тилимизда гаплашади.
- Барча яхши ишлар бора-бора ажойиб мевалар беришига ишонман.
- Дунё ҳар қандай кишининг эҳтиёжини қондириш учун етарли даражада кенг, лекин инсоннинг очқўзлигини қондириш учун эса жуда тор.
- Кечира олиш жазолашга қараганда мардликдир, ожиз киши кечира олмайди. Кечириб кучли одамларга хосдир.
- Меҳнатсиз олтин ҳам, кумуш ҳам, мис ҳам тупроқ таркибиде фойдасиз оддий бир жинсдай қолар эди.
- Ўз тилини назорат қила олмайдиган кишига ишонч йўқ.

Донолар ёшлик ҳақида

БЕЛИНГДА ҚУВВАТИНГ БОР, АЙЛА ҒАЙРАТ,
ҲАЛИ ЁШЛИК ЗАМОНИНГ КАТТА ДАВЛАТ.
Абдурахмон ЖОМИЙ.

БОР ЭКАН ЁШЛИҒИ СОҒЛИК МУСАФФО,
ҲАР МАҚСАД ЖИЛОВИ ҚЎЛДА МУҲАЙЁ.
Носир ХИСРАВ.

ЁШЛИК – ДОНОЛИКНИ ЭГАЛЛАШ ДАВРИ,
КЕКСАЛИК – УНИ ҚЎЛЛАШ ДАВРИ.
Жан Жак РУССО.

ЁШЛИК – КИШИ УМРИНИНГ БАҲОР ДАВРИ, УНДА ҲАЁТ-НИНГ БЎЛҒУСИ ЙИЛЛАРИ УЧУН УРУФ ЭКИЛАДИ.
Яков КНЯЖКИН

ЁШЛИК – ЯНГЛИШИШ, НАВҚИРОНЛИК – КУРАШ, КЕКСАЛИК – АФСУСЛАНИШ.
Бенжамин ДИЗРАЭЛИ.

ЁШЛИКНИНГ КЕЛАЖАГИ БОРЛИГИ УЧУН ҲАМ У БАХТЛИ.
Николай ГОГОЛЬ.

»» Табот

**Тухум – хотирани
яхшилайди**

Кўп одамлар ацетилхолин деб аталувчи модда ҳақида эшитмаган бўлиши мумкин. Ушбу модда тухумда мавжуд ва хотирани яхшилашга ёрдам беради. Ҳар кун эрталаб тухум истеъмол қилинг. Бу, айниқса, болалар учун фойдалидир, чунки бу оддий одат уларнинг мия фаолиятини яхшилайди ва мактабда дарсларни яхшироқ ўзлаштиришга ёрдам беради.

4та фойдали ичимликлар

СУВ – токсинларни ювади, ошқозон фаолиятини қўллаб-қувватлайди, қон-томир ва бўғимлар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

АНОР СУВИ – юрак ва қон-томир фаолиятини яхшилайди, гипертония ва камқонликда фойдалидир.

ЯЛПИЗЛИ ЧОЙ – ошқозон ширасини ишлаб чиқаришини рағбатлантиради, қон босимини туширади, уйқусизлик билан курашади.

ҚАТИҚ – айнан шу маҳсулот ҳазм қилиш тизимини фаоллаштириши барчага маълум.

<p>Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.</p> <p>Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ, Авазхон БУРОНБОВЕВ.</p> <p>Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.</p>	<p>Масъул шахслар:</p> <p>Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22 Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42 Сайрам – Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90 Тулкибаш – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71 Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97 Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82 Кентош, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97</p>	<p>Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.</p> <p>● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўрилиши учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.</p> <p>Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди. KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.</p> <p>"ERNUR-press" МЧБ Ўзбекистонда чоп этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шохқўчаси, 6-уй, 3-қават. Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66. Электрон почта: janubiy@inbox.ru</p> <p>Нашр кўрсатиши – 65466. Адади – 11700 нусха.</p> <p>Бирлик 364.</p> <p>Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВ.ЮНОВА.</p>
---	---	--	--